



هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ بِئْنَ مَا يَعْلَمُ الْكُفَّارُ
У сенга китобни нозил килиган Зотдир.

Унда мухкам – ойдин оятлар хам бор ва

улар китобиниг аслидир ва муташобих оятлар хам бор.

(Оли Имрон сураси, 7-оят)

Куръони Каримда мухкам ва муташобих оятлар борлиги, мухкам оятлар китобнинг асли экани куйидагича баён килинган:

﴿إِنَّمَا الْمُحْكَمُ مِنْ كِتَابٍ نَّاهِيَةً عَنِ الْمُجَاهِدِينَ وَالْمُحْكَمُ مِنْ كِتَابٍ مُّبِينٍ وَالْمُمْتَنَعُ عَلَىٰ إِنْجِيلٍ مُّبِينٍ وَالْمُحْكَمُ مِنْ كِتَابٍ مُّبِينٍ وَالْمُمْتَنَعُ عَلَىٰ إِنْجِيلٍ مُّبِينٍ﴾

«У сенга китобни туширган Зотдир. Унда мухкам – ойдин оятлар хам бор ва улар китобнинг аслидир ва муташобих (оят)лар хам бор» (Оли Имрон сураси, 7-оят).

Ушбу оятга кўра, эътиқодий хукмларда хам, амалий хукмларда хам асосий таянч китобнинг асли бўлган мухкам оятлар хисобланади.

Мухкам лугатда «очик-ойдин», «аник-равшан» маъноларини англатади.

Мухкамнинг истилохий маъноси тўгрисида кўплаб таърифлар берилган бўлиб, уларнинг энг мўътабар ва машхурларидан бири Ломиший раҳматуллохи алайхнинг куйидаги таърифидир:

﴿إِنَّمَا الْمُحْكَمُ مِنْ كِتَابٍ نَّاهِيَةً عَنِ الْمُجَاهِدِينَ وَالْمُحْكَمُ مِنْ كِتَابٍ مُّبِينٍ وَالْمُمْتَنَعُ عَلَىٰ إِنْجِيلٍ مُّبِينٍ وَالْمُحْكَمُ مِنْ كِتَابٍ مُّبِينٍ وَالْمُمْتَنَعُ عَلَىٰ إِنْجِيلٍ مُّبِينٍ﴾

«Ирода килинган маъноси катъий равишда очик-оидин бўлиб, факат битта маънонинг эхтимоли бўлган оятлар мухкам дейилади » [\[1\]](#) .

«Муташобих» лугатда «ўхшаш», «ноаник» ва «коронгу» каби маъноларни англатади. Муташобихнинг истилохий маъносини Ломиший раҳматуллохи алайх бундай таърифлаган:

Иншоати олди о иншоати олди иншоати олди

«Бир-бирига зид икки хил маънонинг эхтимоли бўлгани учун сўзловчининг ирода килган нарсаси эшитувчига ноаник бўлиб колган сўзлар муташобих дейилади» [\[2\]](#) .

Демак, муташобих оятлар деганда лафзидан кўзланган маъноси аник-равshan бўлмаган оятлар тушунилади. Муташобих оятлар уч кисмга таксимланади [\[3\]](#) :

1. Лафзи муташобих оятлар. Лафзи муташобих оятларнинг ўзи икки навга бўлинади:

А. Факат битта лафзи муташобих оятлар. Масалан:

Иншоати олди иншоати олди

«Ва меваларни ва ўт-ўланларни хам (ўстириб кўйдик)» (Абаса сураси 31-оят).

Ушбу оядаги «ўт-ўланлар» дея таржима килинган иншоати лафзидан ирода килинган маъно «мевалар» маъносини англатувчи иншоати лафзи каби аник эмас;

Б. Умумий жумласи муташобих оятлар. Масалан:

Ҳунарниң өзгөртүшіліктеріндең

«**Ү Зотга үхшаш хеч нарса йўқдир»** (*Шуро сураси 11-оят*).

Ушбу оятнинг жумласи муташобихдир. Яъни Ҳунарниң лафзидан олдин Ҳ ҳарфи келгани сабабли оятнинг умумий жумласи муташобих бўлиб колган. Шунга кўра, ушбу оятнинг умумий жумласи хакида олти хил караш айтилган:

- 1) Ҳ ҳарфи зоида бўлиб келган;
- 2) таъкид ҳарфи, үхшашликни инкор килишни таъкидлаш учун келган;
- 3) Ҳунарниң калимаси Ҳунарниң маъносида келган, бундан сифат маъноси тушунилади;
- 4) Ҳунарниң калимаси Ҳунарниң яъни «Унинг Ўзи» маъносида келган;
- 5) бу жумла киноя бобидандир;
- 6) бу жумла худди Ҳунарниң яъни «Сенинг мислингдек киши баҳиллик килмайди» жумласига үхшашдир. Яъни ушбу сўздан унга бир мислни (үхшаш, каби) исбот килишни эмас, балки Ҳунарниң яъни «Сен баҳиллик килмайсан» маъноси тушунилади.

2. Маъноси муташобих оятлар. Аллоҳ таолонинг сифатларини баён килган оятлар.

Масалан:

Ҳунарни таоло Ҳунарни таоло Ҳунарни таоло Ҳунарни таоло Ҳунарни таоло Ҳунарни таоло Ҳунарни таоло

«Бас, барча нарсанинг том эгалиги кўлида бўлган Зот покдир. Унгагина

кайтариурсизлар»

(Ёсин сураси,

83-оят).

Мазкур оядда Аллоҳ таолонинг ўзбек тилида «қўл» маъносини англатувчи «яд» сифати зикр килинган. Ушбу «яд»дан нима ирода килингани муташобихдир.

3. Лафзи хам, маъноси хам муташобих оятлар. Лафзи хам, маъноси хам муташобих оятларни умумий килиб беш навга ажратиш мумкин:

1. Микдори жихатидан муташобих оят. Масалан:

Ҳунарни таоло Ҳунарни таоло Ҳунарни таоло Ҳунарни таоло

«Мушрикларни каерда топсангиз, ўлдиринглар» (Тавба сураси, 5-оят).

Ушбу оят умум ва хосликда муташобихдир. Яъни ушбу оятнинг маъноси, уруш килган ё килмаганидан катъий назар, катта-кичик, эркак-аёл – барча мушрикларга умумийми, ёки мусулмонларга карши урушаётган араб мушрикларига хосми хамда **«каерда топсангиз»** маъносига Харам худуди хам кирадими ё кирмайдими? Ушбу оят ана шу умум ва хосликда муташобихдир.

2. Кўриниши жихатидан муташобих оят. Масалан:

ҲАҚИДА

«Никохлаб олинглар» (*Нисо сураси, 3-оят*).

Ушбу оядаги буйрук никохга олишнинг вожиб ё мандуб эканига далолат килишида муташобихдир.

3. Замони жихатидан муташобих оят. Масалан:

ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА

«Агар сиздан юзта бўлса, куфр келтирганлардан мингтасини енгадир» (*Анфол сураси, 65-оят*)

Ушбу оят куйидаги оят билан кайси бири носих, кайси бири мансух эканида муташобихдир:

ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА

«Бас, агар сиздан юзта сабрли бўлса, икки юзтани енгадир» (*Анфол сураси, 66-оят*).

Яъни ушбу ояларнинг кайси бири кейин нозил килингани ояларнинг ўзидан аник равшан билинмайди.

4. Макони ва нозил бўлган ишлари жихатидан муташобих оят. Масалан:

Оқиб киришингизда эмас

«Яхшилик уйларнинг оркасидан киришингизда эмас» (*Бакара сураси, 189-оят*)

Жохилият даврида инсонлар агар Хаж ё Умра учун эхромга кирсалар, то эхромдан чиккунларига кадар уйларнинг эшикларидан кириш яхши эмас, деб эътиқод килар эдилар. Ушбу эътиқодларига кўра, мазкур кишилар уйларига кирмокчи бўлсалар, уйларнинг оркасидан дарча очиб кирав эдилар. Уларнинг бу одатларини билмаган киши ушбу оятни тушуна олмайди. Шунинг учун ушбу оят замони ва нозил бўлган ишлари эътиборидан муташобих хисобланади.

5. Шартлари жихатидан муташобих оят. Масалан:

Оқиб киришингизда эмас

«Бас, намоз ўкинглар ва закот беринглар» (*Мужодала сураси, 13-оят*).

Яъни ушбу оядда намоз ўкиш ва закот беришга амр килинган, лекин намоз ва закот ибодатининг шартлари баён килинмагани жихатидан муташобих хисобланади. Мазкур ибодатларнинг шартлари хадиси шарифларда баён килиб берилган.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, ирода килинган маъноси очик-ойдин бўлмаган барча оятларга муташобих исми ишлатилган. Натижада муташобих оятлардан ирода килинган маъноларни бандалар билишлари мумкин ё мумкин эмаслиги тўгрисида табиий равишда турли ихтилофлар юзага келган.

Абдулкодир АБД УР РАХИМ

[1] Ахмад ибн Аби Саид Мулла Жийван "Нурул анвор" . Хофиз Сангуллох Зохидий тахкик ва таълики. 2-жилд, 224-бет.

[2] Ахмад ибн Аби Саид Мулла Жийван "Нурул анвор" . Хофиз Сангуллох Зохидий тахкик ва таълики. 2-жилд, 263-бет.

[3] Аллома Абул Фазл Абдуррахмон хофиз Жалолиддин Суютий, "Иткон фи улумил Куръан" 1-жуз, 244-бет.